

Буюк Британиялик мусулмон қизининг васиятига кўра қудуқ қазиш ва масжид учун маблағ тўплади



17:00 / 06.08.2022 3405

Буюк Британиянинг Бирмингем шаҳрида истиқомат қилувчи мусулмон Сағир Аҳмад 2017 йили саратон касали билан оғриган саккиз яшар Марям исмли қизчасини йўқотган эди. Қизча вафоти олдидан, агар у учун нимадир қила олса, унда Африкадаги муҳтож мусулмонларга ёрдам қилишини сўраган эди.

Қизига берган ваъдасини бажаришга киришган 37 ёшли ота Танзаниядаги қишлоқлардан бирига масжид қуриш ва жамоат қудуқлари қазиб, сув чиқаришга 100.000 фунт стерлинг маблағ жамғарди.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Одам боласи вафот этса, унинг амллари тўхтайди, фақат уч нарса бундан мустасно: садақаи жория ёки фойдаланиладиган илм ёки ҳаққиға хайрли дуо қилувчи солиҳ фарзанд»

Имом Муслим ривояти.

Манба: <http://ummatmag.kg/>

Бобур Аҳмад тайёрлади